*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ШАНБА СОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 21 (9517). ● 1989 йил 28 январь ● Баҳоси 5 тийин.

## Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг кенг доирадаги партия активлари иштирокида 25 январь куни бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон Компартиясидаги ҳисобот ва сайловлар якунлари ва партия комитетларида қайта қуришни янада жадаллаштириш тадбирлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Республика партия ташкилотларида якунланган ҳисобот ва сайловлар партия XXVII съезди, КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференцияси қарорларини амалга оширишда муҳим босқич бўлганлиги таъкидланди. Ҳисобот ва сайловлар қайта қуриш жараёнидаги барча партия бўғинлари жанговарлигининг талабчан кўриги бўлди, партия ташкилотларининг соғломлашаётганидан, партия ички турмуши демократиялашаётганидан далолат бераётган бир қанча янги ижобий жиҳатлар билан ажралиб турди.

Йиғилишлар ва конференцияларнинг кўпи кенг ошкоралик, рўй-ростлик, талабчанлик, амалий танқид ва ўз-ўзини танқид вазиятида ўтди. Ҳисобот докладларини муҳокама қилишда 200 мингга яқин коммунист иштирок этди, ҳар икки йиғилишнинг бирида, бир қанча конференцияларда партиясизлар сўзга чиқдилар. 113 мингдан кўпроқ танқидий фикр-мулоҳаза ва таклифлар айтилди. 1200 партия группаси, цех ва бошланғич партия ташкилотларида партия ташкилотчилари, секретарлар, бюро ва партия комитетларининг иши қониқарсиз деб топилди. Партия ташкилотчилари ва партия ташкилотлари секретарларининг қарийб учдан икки қисми, район партия комитетларининг 12 секретари, шу жумладан 5 нафар биринчи секретари бир неча номзоддан танлаб олиш асосида сайланди.

Партия ташкилотлари обрўсининг, коммунистлар сиёсий етуклигининг ошганлиги, уларнинг қайта қуриш ғоялари теварагига жипслашиши, жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичидаги энг муҳим муаммоларни муҳокама қилиш ва ҳал этишга реалистик ёндашув — ҳисобот ва сайловларнинг бош якуни бўлди.

Шу билан бир қаторда партия ташкилотлари ҳисобот ва сайловларни тайёрлаш ва ўтказиш чоғида КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил июль Пленуми йўл-йўриқларини тўла амалга оширишга муваффақ бўлмадилар. Айрим область, шаҳар, район партия комитетлари ўз фаолиятларини танқидий нуқтаи назардан таҳлил этмадилар. Бир қанча ҳолларда ҳисобот докладларида жорий хўжалик масалаларига кўпроқ эътибор берилди, мазкур докладлар делегатларни масалаларни манфаатдорлик билан очиқчасига муҳокама қилишга рағбатлантирмади. Сайлаб қўйиладиган органлар составини шакллантиришда демократия механизмини қўллашда журъатсизлик, қатъиятсизлик намоён бўлди. Партия ташкилотларининг анчагина қисми ишда сезиларли тарзда орқада қолмоқда, улар қайта қуришнинг амалий вазифаларини ҳал этишда ҳали ўз ўрнини топгани йўқ.

(Давоми 2-бетда).

## САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК

Округ сайлов комиссияларининг сайловолди кампаниясининг навбатдаги босқичи — округ сайловолди йиғилишларини ўтказиш ва СССР халқ депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш вазифалари — мазкур комиссиялар раисларининг 26 январь куни Тошкентда бўлиб ўтган кенгашида муҳокама қилинди.

Кенгашни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари А. П. Романовский очди.

Дастлабки маълумотларга қараганда, республикадаги 81 та сайлов округидан олтмиштадан ортиқроғида СССР халқ депутатлигига уч ва ундан кўп номзод кўрсатилди. СССР Конституцияси ва сайлов тўғрисидаги қонунга мувофиқ округ сайлов комиссиялари сайлов округларидан СССР халқ депутатлигига кўрсатилган номзодларни муҳокама этиш ва номзодларни рўйхатга олишга тақдим этиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун округ сайловолди йиғилишларини ўтказишга ҳақлидир.

Округ сайловолди йиғилишлари 23 февралгача давом этади.

(ЎзТАГ)

## ШИФОКОРЛАР







**КЕЙИНГИ** йиллар ичида Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги болалар касалхонаси пойтахтимизда намунали даволаш муассасаларидан бирига айланди. Ўттиз икки йилдан буён болалар саломатлигини муҳофаза қилиб келаётган 1 категорияли шифокор Назира Магдаминовна Назарова бош врачлик қилаётган бу касалхона коллективи уюшқоқлиги, иноқлиги, жонкуярлиги билан ҳурмат-эътибор топмоқда. Касалхона ҳузурида Ўрта Осиё медицина педиатрия институти кафедраси ҳам мавжуд.

— Институт 3-педиатрия кафедрасининг мудири, профессор Марат Саматович Абдуллахўжаевнинг бемор болаларни малакали даволашдаги ҳиссаси жуда катта,— деди бош врач.— У ҳар бир шифокорга бажонидил маслаҳат, амалий ёрдам беришдан ташқари мушкул дардга чалинган болалар муолажасида ўзи актив иштирок этади. Улар соғайиб кетганларида эса меҳрибон оталардек қувонади.

Суратларда: (юқорида) профессор М. А. Абдуллахўжаев ва Н. Назаровалар касалхона шифокорлари билан суҳбатда; физиотерапия врачи М. Каримова (пастда чапда) бемор қизча соғлиғини кўздан кечирмоқда; А. Мазилис ҳамда ҳамшира В. Гольцевалар реанимация бўлимида.

М. Назаров фотолари.

# Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросида

(Боши 1-бетда).

Ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференциялари шундан далолат бериб турибдики, ҳали республика экономикасида янги хўжалик механизмининг афзалликларини тўла рўёбга чиқаришга муваффақ бўлинмади. Министрликлар ва идоралар ҳамон ўз ҳукмини ўтказаётганлиги, маъмуриятчилик, нореал планлар, асосланмаган нормативларни тиқиштириш хўжалик ҳисоби муносабатларини жорий этишга, ижара, оила пудрати ва пудратнинг бошқа шаклларини ривожлантиришга ҳалал бермоқда. Бу меҳнат коллективларининг қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйилган мустақиллигини йўққа чиқармоқда, корхоналар хўжалик фаолиятидаги камчиликларни ва уларнинг молиявий аҳволини чигаллаштирмоқда.

Ҳисобот ва сайловлар давомида Марказий Комитет ва республика ҳукумати шаънига, маҳаллий партия, совет органлари шаънига социал соҳанинг ҳаётий муҳим участкаларига раҳбарликдаги камчиликлар, меҳнаткашлар фаровонлигини ошириш юзасидан кўрилаётган тадбирлар дурустроқ натижа бермаётганлиги учун жиддий танқидий фикр-мулоҳазалар айтилди. Аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашда қийинчиликлар бор, узилишлар бўлиб турибди, энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотларини киши бошига ишлаб чиқариш эҳтиёжлардан анча орқада қолмоқда. Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришда туб ўзгаришлар бўлмади, арзон буюмлар ва болалар буюмлари турлари ғойиб бўлиб қолаётганлиги кузатилмоқда. Тобора кўп товарлар, жумладан ҳар куни зарур бўладиган товарлар тақчил бўлиб қолмоқда, харидорларнинг талаби қондирилмаётганлиги кишилар турмушини мураккаблаштирмоқда.

Ғоявий-тарбиявий ишни қайта қуришда кўпгина имкониятлар бой берилди. Партия комитетлари мазкур ишнинг ҳаёт билан, социал-иқтисодий ва тарбиявий вазифаларни амалда ҳал этиш билан боғланишига эришмадилар. Ватанпарварлик, интернационализм тарбиясидаги камчиликлар, идеология кадрлари ва активларнинг мунозара ва баҳс олиб боришга уқуви йўқлиги сезилиб турибди. Сафсатабозлик билан қилинаётган уйдирмаларга, муаммолар ва қийинчиликлардан ғаразли мақсадларда фойдаланишга уринишларга ҳамиша ҳам зарба берилмаяпти.

Ҳисобот-сайлов кампанияси кадрлар сиёсатида, партия ишининг услуб ва методларини такомиллаштиришда бир қанча камчиликлар борлигини кўрсатди.

Қабул қилинган қарорда Марказий Комитет секретариати ва бўлимларининг, барча партия комитетлари ва бошланғич ташкилотларининг асосий вазифаси — аниқланган камчиликларни бартараф этиш, ҳисобот ва сайловлардан сабоқ чиқариб олиш, орттирилган тажрибани мустаҳкамлашдан иборатдир, деб таъкидланди. Энг муҳими, энг шошилинч муаммоларни коллектив муҳокама қилиш натижаларидан партиявий раҳбарлик форма ва методларини қайта идрок этиш, ташкилотчилик ва сиёсий ишни кучайтириш, XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг программавий йўл-йўриқларини амалга ошириш учун мазкур ишга кўпроқ жўшқинлик ва ишчанлик бахш этишда тўла фойдаланиш зарур.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси ҳисобот-сайлов кампанияси чоғида айтилган танқидий фикр-мулоҳазалардан жиддий сабоқ чиқариб олиб, шу яқин орада республика аҳолисини жуда ҳаяжонга солиб турган бир қанча асосий муаммоларни батафсил кўриб чиқиш ниятидадир. Республикада миллатлараро муносабатлар муаммоларига бағишланган илмий-амалий конференция ўтказиш, кенг доирадаги партия-хўжалик активлари иштирокида савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасини ташкил этишда тартиб ўрнатиш чораларини кўриб чиқиш, шунингдек экология муҳитини соғломлаштириш ишини кўриб чиқиш мўлжалланмоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленумида «Республикани социал ривожлантириш программасини амалга оширишни жадаллаштириш юзасидан партия ташкилотларининг кечиктириб бўлмайдиган вазифалари тўғрисида»ги масалани кўриб чиқиш назарда тутилмоқда. Янгидан сайланган партия ходимлари ва партия активлари ўқувини ўтказишнинг кенг тадбирлари белгиланди.

Бюро мажлисида шаҳар, район ва область конференцияларида республика органлари шаънига айтилган танқидий фикр-мулоҳазалар ва таклифларни амалга ошириш юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг тадбирлари маъқулланди. Область, шаҳар, район партия комитетларига ҳисобот-сайлов кампанияси чоғида тушган барча таклифлар юзасидан тўла-тўкис тадбирлар кўриш, бу ҳақда коммунистларни ўз вақтида хабардор қилиш, бирорта ҳам амалий таклиф диққат-эътиборсиз қолмаслигига эришиш топширилди.

Бюро мажлисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари Р. Н. Нишоновнинг республикада СССР Олий Советининг халқ депутатлигига номзодлар кўрсатиш якунлари тўғрисидаги ахбороти тингланди. 81 та территориал ва миллий-территориал округлар бўйича ҳаммаси бўлиб 465 киши номзоди кўрсатилди. Булардан 37,6 проценти — ишчилар ва колхозчилар, 35,3 проценти — хизматчилар, 80,6 проценти — КПСС аъзоларидир. Халқ депутатлигига номзодлар орасида республика территориясида яшаётган 18 миллат вакиллари бор.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросида, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Ғ. Ҳ. Қодировнинг зилзила оқибатларини тугатишда Тожикистон ССРга шошилинч ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги ахбороти ҳам тингланди. Қардош республикага Аэрофлотнинг бир нечта самолётида боғлаш материали, иссиқ кийим-кечак, одеял жўнатилди. Резервдан маблағ, монолит уйсозликнинг кўчма комплекти, ғишт ишлаб чиқариш учун бешта агрегат комплекти, 50 та тўла йиғма уй ажратилди, экскаваторлар ва бульдозерлар жўнатилди.

Табиий офатдан зарар кўрган Тожикистон меҳнаткашларига жамоат ташкилотлари, министрлик ва идоралар шошилинч ёрдам бермоқдалар. Ўзбекистон Касаба союзлари республика совети ёрдам фондига 200 минг сўм ўтказишга қарор қилди. Соғлиқни сақлаш министрлиги дарҳол медицина ускуналари ва техника, ЛКСМ Марказий Комитети эса ўтов ва иссиқ кийим-кечак жўнатди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси зилзила оқибатларини тугатишда Тожикистон ССРга шошилинч ёрдам бериш юзасидан кўрилаётган тадбирларни маъқуллади.

# ҲУҚУҚИЙ МАВЗУДА ХОЛИС ЁЗМОҚ КЕРАК

РЕСПУБЛИКА прокуратураси коллегиясининг навбатдаги мажлисларидан бирида жиддий муҳокама қилинган масалалардан бири пойтахт областида жиноятчиликнинг камаймаётганлиги масаласи бўлди. Бу бежиз эмас. Чунки, 1988 йилда содир қилинган жиноий иш аввалги йилдагига нисбатан 620 тага кўпайди. Қасддан одам ўлдириш 1987 йилда 119 та бўлса, 1988 йилда 172 тага етди. Жиноят шу турининг 80 проценти мастлик туфайли юз бераётир.

Жиноятчиликнинг камайиш ўрнига кўпайиб бораётганлигига асосий сабаб нима?

Область прокуратураси билан редакция ходимлари, шунингдек, ҳуқуқий ва гражданларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мавзуларида ёзадиган мухбирларнинг яқинда бўлиб ўтган учрашувларида ана шу масала хусусида мулоқот бўлди, фикр алмашилди.

Эркин мулоқотни бошқарган область прокурори, адлия катта маслаҳатчиси А. Маннонов жиноятнинг камаймаётганлигига асосий сабаб профилактика ишлари билан милиция органлари ҳам, жамоат ташкилотлари ҳам яхши шуғулланмай қўйганлигида эканлигини таъкидлади. Буни шундан ҳам билиш мумкинки, кейинги пайтларда жиноят кўпайди-ю, аммо безорилик камайди. Аслида бундай бўлиши мумкин эмас. Демак, жойларда ички ишлар органлари ходимлари, жамоатчи активлар жиноятчилик ва тартиббузарликнинг олдини олиш билан боғлиқ тадбирларга эътиборни сусайтириб юборганлар.

Учрашув чоғида жиноятчиликнинг ўсиб бораётганлигига яна бир сабаб— ёшлар ўртасида жиноят содир қилиш кўпайганлиги эканлиги далиллар билан изоҳланди. Ҳозир ўн жиноятдан бири бевосита балоғатга етмаган ёшлар томонидан ёки улар иштирокида содир қилинаётган экан. Бунинг ҳам ўзига яраша сабаблари бор. Чунончи, 8—10-синфларни битирган ёшларни ишга жойлаштириш муаммоси жуда ўткир бўлиб турибди. Ҳозир 14 ёшга тўлган ўсмирларнинг корхона ва ташкилотларда ишлашлари (иш соати қисқартирилган тартибда, албатта) мумкинлиги қарор билан мустаҳкамлаб қўйилган. Бундай тартиб-қоиданинг жорий, этилишидан мақсад— бола ёшлигиданоқ ижтимоий-фойдали меҳнатга ўргансин, ўз пешона тери билан пул топиб, оилани тебратишга кўмаклашсин ва шу йўл билан рўзғор тутиш борасида кўникма ҳосил қилсин, рўзғорга қайишишга одатлансин.

Аммо афсуски, область шаҳар ва районларида балоғатга ва армия хизмати ёшига етмаган ёшларни корхона, ташкилот ва муассасаларга ишга жойлаштириш муаммоси ҳал бўлмаяпти. Бунинг учун, аввало, корхона ва ташкилот раҳбарларини айблаш ўринли бўларди. Улар бундай ёшларни қандай қилиб бўлмасин ишга қабул қилмаслик чорасини излайдилар. Чунки ёшларда касб-ҳунар малакаси етарли эмас, ишлари унумли ва берган маҳсулотлари сифатли бўлмайди. Корхона эса планни бажариши, маҳсулотини реализация қилиши керак, акс ҳолда экономикасига путур етади. Ёшларнинг бир қисми армия хизматига чақирилиб, ўрни бўшаб қолади, то бошқа ишчи келгунча, яна план тиғизлиги ва бошқа муаммолар кўндаланг бўлади.

Мана шу ташвишлардан чўчийдиган, эринадиган ёки бу муаммони ҳал этишга уқуви, маҳорати етмайдиган раҳбарлар турли йўллар билан ёшларни ишга қабул қилмайдилар, оқибатда меҳнат ёшидаги минглаб ёшлар ишга жойлашмай, бекор қолишяпти. Энди улар бир жойда ўқишмайди ҳам, ишлашмайди ҳам. Шундай қилиб, «кўча болалари» кўпаяди. «Бекорчидан худо безор» деганларидек, бекор қолган ёшлар аввалига шунчаки, шўхлик қиладилар, ахлоқлари бузила бошлайди, кейин безорилик қилишга ўтадилар ва ниҳоят жиноят кўчасига кирадилар.

Шунингдек, учрашувда область прокуратураси ходимлари матбуот органлари, телевидение ва радио эшиттиришларида ҳуқуқий мавзуларда жуда кам материал эълон қилинаётганлигини таъкидладилар.

Ҳуқуқий мавзуда холис ёзиш учун область прокуратураси ходимлари билан журналистларнинг шундай учрашувларини тез-тез ўтказиб туриш ва ютуқ ҳамда камчиликларни атрофлича таҳлил этиб, тажриба алмашиб бориш хусусида келишиб олинди.

# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИНИНГ

## 30—40-ЙИЛЛАР ВА 50- ЙИЛЛАРНИНГ БОШИДАГИ ДАВРДА БЎЛИБ ЎТГАН РЕПРЕССИЯЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ МАТЕРИАЛЛАРНИ ҚЎШИМЧА РАВИШДА ЎРГАНУВЧИ КОМИССИЯСИДА

Комиссия ўзининг навбатдаги мажлисида «яҳудийлар антифашист комитети, деб аталган иш юзасидан репрессия қилинган кишиларни оқлаш билан боғлиқ материалларнинг кўриб чиқилиши ҳақида СССР Олий Судининг ахборотини тинглади.

Улуғ Ватан уруши йилларида ташкил этилган яҳудийлар антифашист комитети бошқа жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлари каби совет ва жаҳон афкор оммасини фашизм ёвузликларига қарши курашга сафарбар этиш юзасидан фаол иш олиб борди.

1948 йилнинг охирида комитет тарқатиб юборилди, унинг иши билан боғлиқ бўлган одамларнинг катта группаси қамоққа олинди. Давлатга қарши жиноят ва жосуслик фаолияти билан шуғулланишда асоссиз айблаш репрессия чораларини қўлланишга баҳона бўлди. СССР Олий Судининг ҳарбий коллегияси 1952 йил июлида комитет раҳбарларини олий жазога ёки узоқ муддатли қамоқ жазосига ҳукм қилди.

1955 йилда ўтказилган текширишда «яҳудийлар антифашист комитети» қатнашчиларига қўйилган айблар сохта эканлиги аниқланди. СССР Олий Суди 1955 йил 22 ноябрда СССР Бош прокурорининг «яҳудийлар антифашист комитети» деб аталган иш юзасидан хулосасини кўриб чиқиб, мазкур иш юзасидан ҳукм қилинган барча кишиларга нисбатан чиқарилган ҳукмларни бекор қилди.

Ўша йилларда С. А. Лозовский, И. С. Фефер, И. С. Юзефович, Л. М. Квитко, П. Д. Маркиш, Э. И. Теумин, С. Л. Брегман (ўлимидан кейин), Л. С. Штерн КПСС аъзолигига тикланди.

Ўша вақтда суд ва партия йўли билан оқлаш ошкора бўлмай қолган эди. Комиссия СССР Олий Судининг ахборотини кўриб чиқиб, мазкур хабарни матбуотда эълон қилишни зарур деб топди.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги партия контроли комитетининг Б. А. Шимелиович ва Д. Н. Гофштейн (ўлимидан кейин)ни партияга тиклаш ҳақидаги қарори маълумот учун қабул қилинди.

Сиёсий бюро комиссияси ишни давом эттирмоқда.

# 70030-СЧЁТГА

В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг комсомоллари қардош тожик халқига эллик минг сўм пул юбордилар. Ёшлар шанбалик ўтказишга ва ундан тушган пулнинг ҳаммасини Тожикистонга ёрдам кўрсатиш фондига ўтказишга қарор қилдилар.

(ЎзТАГ).

# ЗАМОН ВА ЁШЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИ ДИҚҚАТИГА!

## ДИДИМИЗГА МОС БЎЛСИН

Оналаримиз, опаларимизнинг урушдан кейинги йилларда мактаб формасида тушган суратларини кўриб ўйланиб қоламан. Наҳотки, шунча йиллар ўтиб ҳаётимизда ҳамма нарса янгиланган бўлса-ю, фақат мактаб формаси ўзгармай қолса!!

Ҳар йили янги ўқув йили арафасида «Болалар дунёси» магазинларида мактаб формалари бир хил, кўримсиз бўлса ҳам ур-талаш савдо қилинади. Лекин бу мажбурий либоснинг тақчиллиги унинг кўринишини, бичимини ўзгартирмаслик керак, деган маънони билдирмайдику!

Жамиятимизда «Ҳамма яхши нарсалар — болаларга» деган ажойиб шиор бор. Хўш, Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги раҳбарлари уни қандай тушунишади! Ўтган 30—40 йил ичида мактаб формасининг бирорта янги замонавий турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилмаганлиги министрликда бу ҳолни нормал деб ҳисоблашаётганларидан далолат эмасми!

Кейинги пайтда матбуотда ягона мактаб формасидан воз кечиш, имкони бўлса, ҳар бир мактабда ўзига хос кийиниш ҳақида бахслар бормоқда. Бизда оилалар серфарзанд. Ҳар оилада мактабга борадиган 3—4 ўқувчи учун алоҳида форма тиктириш мушкул. Аммо нима учун мактаб формаларини фақат бир хил рангда ва бичиқда тикиш керак! Бу ишга республика Модалар уйи ходимлари ҳам ўз ҳиссаларини қўшсалар бўлмайдими!

Улар республикамиз турли областларининг ўзига хос хусусиятлари, ёшларнинг диди, хоҳиш-истакларини ҳисобга олган ҳолда мактаб формаларининг турли моделларини яратиш устида иш олиб боришлари лозим.

Комсомол ва пионерлар нашри — «Ёш ленинчи», «Ленин учқуни», «Ёшлик», «Ёш куч», «Гулхан», «Ғунча» энг яхши мактаб формаларига конкурс эълон қилиши мумкин. Бу конкурсда ғолиб чиққан моделлар ишлаб чиқаришга тавсия этилиши лозим. Менимча формаларнинг нархлари ҳақида ҳам жиддийроқ ўйлаб кўрилса бўларди. Кўпинча ота-оналаримиз уларнинг қимматлиги ҳақида ҳақли эътирозлар билдирадилар.

Ўқувчиларнинг замонавий кийинишлари учун зарур чораларни кўриш билан бирга уларда ёшликдан камтарликни ҳам тарбиялаб бориш керак. Ҳозир юқори синфларда бўянган, электрон соатлар, тилла тақинчоқлар тақиб оладиганлар учраб туради. Бу — баъзи ота-оналарнинг фарзандларини ёшликдан эркалатишларидан бошқа нарса эмас. Ҳар бир одам, шу жумладан ўсмирлар ҳам ўзлари пул ишлаб топган тақдирдагина бундай қимматбаҳо нарсалар харид қилишлари мумкин.

**Нигора ДЕҲҚОНОВА,**
Тошкентдаги 121-ўрта мактабнинг 10-«Б» синф ўқувчиси.

● АКС САДО ●

## БЕРАҲМЛАРНИ КЕЧИРМАНГ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»да эълон қилинган «Бунақа ота керак эмас» сарлавҳали мақолани ўқиб чиқиб, чуқур ўйга толдик. Унда Р. Асқаров отамни кечирайми, йўқми, деб газетхонлардан маслаҳат сўрабди.

Ота ёш болаларини ташлаб бошқа бир аёлга уйланиб кетган эди. Ёши улғайиб, куч-қувватдан қолгач энди фарзандлари керак бўлиб қолибди. Ўша ота болаларини ташлаб кетишдан олдин қариликда қандай кун кечиришини ўйлаганмикан! Йўқ. Гулдек очилиб-сочилиб юрган кезларида, кексалик кўз олдига келмаган.

Р. Асқаров ота билан ярашиш борасида аммалари билан ҳам маслаҳат қилганлигини ёзибди. Ўша пайтларда бу аммалар қаерда эди! Ўз акаси фарзандларини ташлаб, бошқа бир аёл билан суйкалишиб кетаётганида нега улар ёш отани бу нотўғри йўлдан қайтаришмади! Кейинчалик тирик етим қолган жиянларига бирор мурувват кўрсатишмади!

Р. Асқаровга маслаҳатимиз шуки, бераҳм отани кечирманг. Бугун сиз кечирсангиз, эртага яна бир одам мени ҳам қариганимда болаларим кечирар экан, деб шу қилиқни қилади.

Отангиз қайтиб келса ҳам энди у бағри билан сизларни исита олмайди. Агар сиз отангизни кечирмоқчи бўлсангиз, энг аввало, она ўрнида она, ота ўрнида ота бўлган, сизни емай едириб, ичмай ичириб, вояга етказган онангиздан маслаҳат сўранг ва шунга қараб иш қилинг.

М. ХУШМУРОДОВА,
Г. ЖУМАЕВА,
«Оққўрғон» совхози.



Суратда: Муҳиддин ва Умида Ўсаровлар фарзандлари билан.

Х. Аввалов фотоси.

ТОШКЕНТ — ИВАНОВО

## БИР ЙИЛДАН СЎНГ

ЎТГАН йилнинг февраль ойида бир группа комсомол-ёшлар Иваново областига ишлаш учун жўнаб кетишган эди. Улар орасида оққўрғонлик Умида ва Муҳиддин Ўсаровлар ҳам бор эди. Олдинига оталари уларни айнитмоқчи бўлди. Икки нафар ёш фарзандинг бўлса, улар совуққа чидармикин, дейишди.

ЧИДАШДИ, тезда Иваново ҳавосига ўрганиб кетишди. Ёшлар 11 ой Вичугский районидаги «Память Ильича» колхозида меҳнат қилишди. Борган кунлариёқ ёш оилага уч хонали уй беришди. Идиш-товоқ, ўрин-кўрпа рўзғор учун зарур ашёларнинг ҳаммаси бор. Икки йилгача электр, сув, квартира ҳақи бепул экан. Иморатнинг олдидан каттагина томорқа ҳам ажратиб беришди. Бу ерга картошка, қулупнай, бодринг, пиёз, ловия ва бошқа хил экинлар экиб парваришлашди. Уйлари ўрмоннинг ёнгинасида, пастроқдан эса Шохна дарёси оқиб ўтган. Иссиқ кунлари ўрмон ён бағри бўйлаб сайр қилишди, дам олишди. Бироз нарироқда эса «Ўзбекистон» совхози ерлари ястаниб кетган. Бу ерда ишлаётганларнинг қарийб барчаси ўзбеклар. Улар чорвачилик фермаларида, ўрмон хўжалигида меҳнат қилишяпти. Янги йўллар очиб, иморат қуришяпти.

Умида билан Муҳиддин янги квартирага кўчиб киришган куннинг эртасигаёқ фарзандларини боғчага жойлаштиришди. Энди болаларидан кўнгил тўқ. Умида боғчада тарбиячи, Муҳиддин эса шофер бўлиб ишлай бошлашди. Умиданинг ойлиги 200 сўмдан кам эмас. Яхши ишлагани учун Москвани сайр қилиш учун 2 кунлик йўлланма билан мукофотланди. Муҳиддин эса партия аъзолигига кандидат бўлди.

Меҳнат отпускасига келган Умида билан Муҳиддин қариндош-уруғларига ана шулар ҳақида гапириб беришарди.

Улар Оққўрғонда бир ой бўлиб яна Ивановога отланишади. Иваново энди уларга иккинчи Ватан бўлиб қолди.

**Мукаррама ТОЖИБОЕВА.**

ИНТЕРНАЦИОНАЛЧИ ЖАНГЧИЛАР ҲАЁТИДАН

## ОНАЛАР ОРЗУСИ

**Солдат шинелини кийган ўғлонлар ҳарбий хизматни аъло даражада ўтаб, ота-оналари бағрига қайтмоқдалар. Уларнинг икки йил давомида олис юртларда кечган ҳаётлари билан қизиқиб, бўлган воқеаларини ўз оғизларидан эшитиш мароқли.**

— Ўзга юртда ниманинг қадри кўпроқ билинди?

Бу саволга ялламалик Шавкат Оллоёров жавоб беради:

— Биласизми, қишлоғимизда гурунглашиб юрганимизда ҳеч нарсани сезмас эканмиз. Афғонистонда хизмат қилган кезларимда тинчликнинг қадри кўпроқ ўтди. Ўша кезлар бир онахоннинг мени маҳкам қучоқлаб, севинчдан йиғлаганлигини ёдимдан чиқара олмайман. Улар ҳам тинчликка зор эди. Янги ҳаётнинг жоҳил душманлари болаларни ҳам, аёлларни ҳам тинч қўймасди.

Даврадагилар жангларда жасорат кўрсатганлиги учун «Қизил Юлдуз» ордени билан мукофотланган Абдужалил Абдулаҳатовга боқишди. У Афғонистондан иккинчи группа инвалиди бўлиб қайтганди. Йигит ота-оналаридан эрта жудо бўлган етимларни, одамларнинг аёвсиз қийноққа солинган мажруҳ гавдаларини, келинчакларнинг ёшли кўзларини асло унута олмайди.

— Босмачилар орасида адашган-алданган деҳқон йигитлар кўп. — дея суҳбатга қўшилди «Жасорати учун» медали билан мукофотланган Василий Чуев. — Улар ўз хатоларини тушуниб, халқ томонига ўтдилар. Мен собиқ босмачи йигит билан суҳбатлашганман. У тинчликни, меҳнатни соғиндим, деган эди...

Тинчлик, меҳнат... Бу икки сўз қадрини Улуғ Ватан урушида қон кечган собиқ жангчиларимиз жуда яхши билишади. Интернационалчи жангчиларнинг кўпчилиги ўша собиқ солдатларнинг фарзандлари. Афғонистондаги хизмат уларга кўп нарсани ўргатди. Улар ҳаётга бошқача назар билан қарайдиган бўлиб қолдилар. Кўзлари ўйчан, сўзлари маънoли, фикрлари тиниқ.

— Интернационалчи жангчи Советлар мамлакатида туғилганлигини, улуғ Ленин ғоялари руҳида тарбиялanганлигини унутмаслиги керақ,— деди Чиноз район комсомол комитети бюроси аъзоси «Қизил Юлдуз» ордени нишондори Турсунали Ҳасанов. — Янги ҳаёт қураётган афғон биродарларимиз бизга умид билан қарашади. халоскорларимиз дейишади. Қисқаси, Афғонистон йигитларимизни масъулиятли имтиҳондан ўтказди. Интернационал жангчилар тинч ҳаёт, тинч меҳнатга қайтганларида. бошқаларга намуна бўлишмоқда. Масалан, Алишер Сафаралиев район комсомол комитети аъзолигига кандидат этиб сайланди. 17-ўрта мактаб комсомол комитети секретари Зиёдулла Назаров мактабда ҳарбий-спорт клубини ташкил қилди.

Меҳнат коллективлари ўз сафларида интернационал жангчилар борлигидан фахрланишади, уларга ҳурмат-эътибор билан муносабатда бўлишади.

Хабибулла Аметов, Наби Абдураҳмонов, Садриддин Тастанов, Абдужаббор Раимқулов... ҳар бирининг мўйлови эндигина сабза уриб, йигитлик остонасига қадам қўйишган эди. Интернационал бурчни бажариш ҳамма вақт ҳам бехавотир, қурбонсиз бўлмади. Мардона халок бўлган йигитларнинг номларини ҳеч ким унутмайди, Уларнинг номлари билан аталган пионер дружиналари, отрядларида ўқувчилар ботир акаларидек мардона бўлишга интиладилар.

Интернационалчи жангчилар номи қўйилган кўчаларда ҳаракат тинмайди. Ҳар бир ўтган одам уларни ўкинч билан эслайди.

Мен яқинда яна Шавкат Оллоёровлар хонадонида бўлдим. Шавкатнинг отаси Абдусаттор ака Улуғ Ватан уруши қатнашчиси. Уруш туфайли чап қўли ногирон бўлиб қолган. Афғондан қайтган ўғлим ниҳоятда ўзгариб кетибди, — дейди ота. — Мирзачўлга бориб, шофёрлик қиламан, дейди. Ишқилиб омон бўлсин.

Нортожи опа ўғлини бағрига босади.

Дунёдаги ҳамма оналарнинг тилаги битта. Ҳамиша тинчлик-осойишталикни, фарзандларининг униб ўсишларини истайдилар.

Ҳа, мушфиқ оналар тилаги битта: тинчлик-тотувлик бўлсин, хонадонлар қувончга тўлсин.

**Эсон ҚОСИМОВ.**

АКС САДО

# «Бола бозор-ўчарга ўрганса ёмонми?»

## МАҚОЛАСИ ГАЗЕТХОНЛАР МУҲОКАМАСИДА

### ЎРГАНГАНИ МАЪҚУЛ

Болани ҳар бир ишга ва ўқишга ёшлигидан ўргатиб борган яхши. Биринчидан, ўзи пишиб боради, ота-онасига катта ёрдами тегади. Вақти зиқ деҳқонлар учун ундан ҳам яхши. Айниқса, катталар бемор бўлиб қолганда болаларнинг савдо-сотиқ ишларига ёрдами кераклигини кўпчилик билавермайди.

Шу жиҳатдан «Бола бозор-ўчарга ўрганса ёмонми?» мақоласи менга маъқул бўлди. Айни пайтда бекорчи болалар ҳам йўқ эмас. Бозорда фақат пул топиш мақсадида санғиб юради. Шуларни тартибга солиш керак. Бозор маъмурияти ва баъзи бир милиция ходимлари уларни кўрмай, ота-онасига у-бу деҳқончилик ҳосилини сотишда кўмаклашаётган деҳқон фарзандига тинчлик беришмайди. Энг муҳими интизомни бузмаган ҳолда савдо-сотиқ қилишсин.

И. ҚОСИМОВ.

### ЎҚИБ ЭСИМГА ТУШДИ

МАҚОЛАНИ ўқиб бир воқеа ёдимга тушди. Раҳматиллланинг томорқасидаги плёнка остидаги картошка пишиб етилди. Отаси Одил ака уни ковлаб эртага бозорга олиб бораман деб турганда бетоб бўлиб касалхонага тушиб қолди. Онаси билан Раҳматилла бозорга боришди.

Бироз ўтгач онаси — сен картошкани сотиб тур, ўғлим, бориб дадангдан хабар олай, тезда келаман деб кетди. Она кетиши билан сал ўтмай орган ходимлари Раҳматиллани пунктга етаклашди. Бир қоп картошкани ҳам олиб кетишди. Уйга эса кеч-қурун жавоб беришди. Эртасига Раҳматилланинг 8-синфда ўқиши ҳақида мактабдан, яшаши тўғрисида маҳалладан, отаси касаллиги ҳақида врачдан справкалар олиниб орган ходимларига топширишди. Бир ҳафтадан кейин бир қоп картошкани олиб келишди. Унгача янги картошка сўлиб сифатини йўқотди. Маълумки, қишлоқда ўсган бола албатта ота-онасига ёрдам беради. Унинг бўш вақти кам бўлади. Чунки мактабдан келиб дарс тайёрлагандан сўнг ўз томорқасида ишлаши керак. Етилган маҳсулотни менимча 14—16 ёшдаги ўсмир сотиб ота-онасига ёрдам берса албатта фойдадан ҳоли бўлмасди. Бу ишни дарсдан сўнг ва дам олиш кунлари бажарса, нур устига нур бўлади. Албатта буни ота-она доим текшириб, сотилган нарсанинг пулини ҳисоблаб-олиши шарт. Лекин бу ишлар боланинг ўқишига таъсир қилмаслиги керак.

Ўлмас КАРИМОВ,
Калинин райони.

### ИҚТИСОДИЙ ЁРДАМ

«Бола бозор-ўчарга ўрганса ёмонми?» мақоласини ҳам, ундан кейин берилган мулоҳазаларни ҳам ўқиб чиқдим. Ўзим пахтачилик бригадаси бошлиғиман. Турмуш ўртоғим колхозчи. Оиламизда тўртта фарзанд бор. Эр-хотин ойлик маошимиз 200 сўм атрофида. Пахтачиликда шундайки, бирор кун ишдан қолиш керак эмас. Ҳаттоки байрам кунлари ҳам даладамиз. Имкониятимиз йўқлигидан бозор ишлари билан 11 ёшли ўғилчамиз шуғулланади. У пишиқ-пухта. Савдо қилишга ўрганди. Лекин ўқиши ёмон эмас. Шунинг учун бозорчи бола аҳлоқи бузилиб кетади деган фикрга қўшилмайман. Меҳнаткаш оилада ўсган фарзанд бузилмайди. У қийинчиликларни кўриб, ота-онасининг рўзғорда учма-уч яшаётганлигини билиб, шунга қараб қадам босади. Болаларнинг бозор-ўчарни ўрганишлари тарафдориман.

Ҳ. РУСТАМОВ,
Бўка райони.

### БЕМАЛОЛ «БОЗОРЧИ»
### БЎЛАВЕРСИН

«Тошкент ҳақиқати» газетасида босилган «Бола бозор-ўчарга ўрганса ёмонми?» мақоласини ўқиб чиқиб хаёлга толдим. Нима учун ота-онасига бозорда ёрдамлашган ёки ўзи мустақил маҳсулот олиб борган болани дарҳол бузилиб кетадига чиқариш керак. Мана мен болалигимда олма, олча, ўрик, ёнғоқ сотганман. Ўша вақтларда 7—8 синфларда ўқирдим. 1 сўм пулни ҳам ўзимга олмасдан ота-онамга берар эдим. Онам бу пулларга бизларга кийим-кечак, китоб, қалам-дафтар олиб берар эдилар. Ҳозир беш фарзанднинг отасиман. Болалар уни-буни олиб беринг деб хархаша қилишади. Аммо улар меҳнатга қарашишса ҳам, бозор-ўчарда актив қатнашишмайди. Бунга афсусланаман. Тирикчиликка ўрганишмаяпти деб гоҳида койийман. Болалигимда бозорда ота-онамга у бу нарсани сотишда кўмаклашган бўлсам, ёмон одам бўлиб қолмадим-ку.

Р. САИДҚУЛОВ,
педагог, Бўка райони.

### 16 ЁШГА ТЎЛГАЧ...

Мен шундай фикрдаман. Газетада кўтарилган тема жуда долзарб ва ҳаётий. Шунинг учун ҳам кўпчилик актиз муҳокама қилаяпти. Газетхонлар фикрлари билан ҳам танишиб чиқдим. Уларга қўшиламан. Лекин бола бозорда бўлганида ёнида албатта, битта катта одам ҳам турса яхши бўларди, деган фикрдаман. Бир марта ўғлим бозорда маҳсулотни ўзи сотаётганида милиционерлар олиб кетиб қолишди. Борсам милиция идорасида у йиғламсираб ўтирибди. Тилхат бериб олиб келдим. Бундай кўнгилсизликдан кейин ўзини мустақил сотишга қўймаяпман. Лекин сотган пайтларида ишни эплагани, пулга хиёнат қилмаганлигининг гувоҳиман. Шунинг учун болаларга 16 ёшидан бозорда у-бу маҳсулотни сотишга рухсат берилса деган ниятдаман.

С. ЙЎЛДОШЕВА,
Янгийўл районидаги Ҳ. Турсунқулов номли колхоз.

### ХАВОТИРГА ЎРИН ЙЎҚ

Агар кексалар билан суҳбатлашиб қолсангиз, болалигида оғир ишларда ишлаганлигини, бозорларда маҳсулотлар сотганлигини, бошқа юмушларни бажарганлигини сўзлаб беришади. Уларнинг кўплари пиру-бадавлат оила бошлиқлари. Бировнинг ҳақига хиёнат қилмаган, етим-есирнинг бошини силаган одамлар. Отахонларга ҳозирги болаларнинг бозор-ўчарга аралашуви тўғрисида гап очганимда «тайёрини еб ўрганганидан кўра бозор ҳам меҳнат, шуғуллансин, лекин ўқишини қолдирмасин» деган сўзларни таъкидладилар.

Ўзим ҳам шу фикрдаман. Болалар экономикага ўрганишсин. Мақолада таъкидланганидек, бир сўмни қандай қилиб топилаётгани-ю қандай қилиб сарфланаётганини билган бола ота-онасига қайишади, бўлар-бўлмасга уни олиб бер, буни олиб бер деб хархаша қилавермайди. Рўзғор қийинчиликларини ҳис этади. Болани бозорда савдо қилишига агар у чин-дан ҳам катталар назоратида бўлса, қарши эмасман.

С. СУЛТОНОВ,
Тошкент шаҳридаги 70-мактаб ўқитувчиси.

**Шунингдек, редакцияга Чиноз районидан хат йўллаган О. ҚЎШКАРОВ, Янгийўл районидан ўз фикрларини билдирган С. РЎЗМЕТОВ, Тошкент шаҳрининг Киров районидан мактуб ёзган С. ОТАЖОНОВАЛАР ҳам болаларнинг бозорда мустақил савдо қилишлари тўғри бўларди деган мулоҳазаларни билдиришган.**

**Чирчиқдан редакцияга хат юборган Самад Ҳайитов ўз мақоласини «Бозор ва бола» деб атабди. У материалида бозордан маҳсулот харид қилган ёки оила томорқасида етишган маҳсулотни бозорда сотган болалар катталар назоратида бўлса ҳеч қачон аҳлоқий нормалардан четга чиқмайди, балки ўз хонадонига моддий, маънавий ҳамда иқтисодий ёрдам беради деган фикрни билдирган. Унинг мулоҳазасида ота-онасига бозор-ўчарда кўмаклашмайдиган бекорчи бола гиёҳванд, аҳлоқи бузуқ бўлиб қолиши ҳеч гап эмас деган маъно ҳам бор.**

**РЕДАКЦИЯДАН:**

**Газетхонларнинг хатлари юзасидан редакция олдин ҳам ўз мулоҳазасини айтган эди. Биз ҳамон ўша фикрдамиз. 14—16 ёшли болаларнинг бозорда мустақил савдо қилишлари ёки қилмасликлари тўғрисида расмий фармойиш бермоқчи эмасмиз. Аммо кўпчилик газетхонлар катталарнинг назоратида бўлган болалар ўз томорқаларида етиштирилган маҳсулотларни бемалол бозорда сотишда ота-оналарига кўмаклашишсин деган фикрлар бугунги ҳаётий тақозодан узоқ эмас. Агар бола бозорга ота-онаси билан бирга келиб, унга ёрдамлашар экан, бу билан турмушни ўрганиб боради. Газетхонлар мактубларида айтилганидек, топилаётган бир сўмнинг қадрига етади. Шу муносабат билан бизга боланинг бозор-ўчарда иштирок этиш-этмаслиги тўғрисида хат йўллаган Зуҳра ТОШПЎЛАТОВА ана шу мулоҳазалардан ўзига тўғри хулоса чиқариб олар деган умиддамиз.**

ШИФОКОР МАСЛАҲАТИ

## ГРИПП ХУРУЖИДАН САҚЛАНИНГ

БУ ЙИЛ тез тарқалаётган грипп касаллиги хавфли ва юқумлидир. Бу хасталик билан оғриган бемор дастлаб ўзини лоҳас ҳис қилади, боши оғрийди, бадани увишиб, титраб-қақшайди, оёқ-қўл бўғинлари зирқирайди. Танасида ҳорғинлик хусусияти пайдо бўлади ва тезда ҳарорат кўтарилади. Қорин оғриғи, йўтал ҳам қийнайди, одам бот-бот терлайдиган бўлиб қолади. Кишида шундай ҳолат бошланиши билан дарҳол уйда ётиб, поликлиникадан шифокор чақиртириши, врач кўргазмаси бўйича дори-дармонларни истеъмол қилиши керак.

Доктор назоратида бўлган беморлар тез тузалиб кетадилар ва грипп касаллигининг асоратидан халос бўладилар. Акс ҳолда дори-дармонларни билиб-билмай ичган беморлар организмида оғир сурункали асоратлар қолиши мумкин.

Масалан, бундай ҳолларда қулоқ оғриғи, сурункали бош оғриғи, нафас йўлларининг яллиғланиши, астма касалликлари пайдо бўлиши мумкин. Ҳатто ошқозон-ичак касаллиги, буйрак ва жигарнинг хасталаниши ҳам ҳеч гап эмас.

Ана шундай мушкулликлардан ҳалос бўлиш, уларнинг олдини олиш ва умуман гриппни тезроқ даволаш мақсадида республика дорихоналар бош бошқармаси соғлиқни сақлаш муассасалари билан биргаликда барча зарур чораларни кўрмоқдалар. Дорихоналарда грипп касаллигига қарши дори-дармонлар рецептли ва рецептсиз турларга ажратилиб сотилмоқда. Беморларга қулайлик яратиш мақсадида улар учун ана шундай дорилар аниқ кўрсатиб қўйилган пештахта мавжуд. Гриппга чалинганлар рецептсиз бериладиган дориларни дорихона ходимлари маслаҳати билан истеъмол қилсалар ҳам бўлади. Улар «Антигриппин» порошогининг аралашмасини аскорбиң кислотаси порошоги билан бирга қўшиб, истеъмол қилишлари мумкин. Кальций хлор эритмасининг 5—10 процентли суюқлигидан ёш болаларга бир чой қошиқдан, катталарга эса бир ош қошиқдан уч марта ичириб турилса, хасталик енгиллашиб боради. Худди шунингдек, йўтал учун термопсис ва алтей порошокларидан тайёрланган ҳар хил таркибдаги аралашмалар ёрдам беради.

Ҳозирги кунда дорихоналар залларида «Мудир қабули» столи ҳам ташкил этилган. Бунда беморлар ўзларини қизиқтирган ҳар хил саволларга бевосита мудирдан жавоб оладилар. Унга ўз таклиф ва истакларини билдирадилар.

Дорихоналарда анча сероб бўлиб қолган турли микробларга қарши ишлатиладиган хлорамин, хлор порошоги, гипохлорид кальций порошоклари грипп билан оғриган беморларнинг идиш-товоқларини, сочиқларини ва кийим-бошларини ювишда қўл келишини унутмаслик керак. Шундай аралашмалар билан уй атрофларини, дераза, эшик бандларини ҳам вақти-вақти билан ҳўллаб артиб туриш бу касалликнинг бошқаларга юқмаслигида энг муҳим воситадир.

У. ПЎЛАТОВ,
шифокор.

### ТОПИШМОҚЛАР

Олсам уни ўнг қўлга,
Дарҳол тушар оқ йўлга.

Ҳиди йўқ, тутундай учади,
Ер юзини бутунлай қучади.

Булут унинг онаси,
Ерга тушар боласи.

Қор ёғса, игна санчар,
Нур ёғса, дарров қочар.

Юк ортишда толмайди ҳеч,
Уй қуришда банд эрта—кеч.

К. МИРЗАРАСУЛОВА.



Суратда: Тошкентдаги Островский номли пионерлар саройидаги доирачилар ансамблининг бир группаси.
Р. Альбеков фотоси.

